

СЎЗ ЯСАЛИШИНING ЛИНГВИСТИК ТАВСИФИ ВА ЯСАМА СЎЗЛАР ДЕРИВАЦИЯСИ ХУСУСИДА

Қурбонова Раҳима Абдуллаевна
Самарқанд медицина институти,
Тиллар кафедраси ўқитувчиси.
Самарқанд, Ўзбекистон.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7578547>

Мақолада XX аср тилшунослигида муаммоли ва мунозарали масалалардан ҳисобланган сўз ясалишининг лингвистик тавсифи ва ясама сўзлар деривацияси хусусияда фикр юритилган. Лингвистикада сўз ясалишининг лингвистик тавсифи ва ясама сўзлар деривацияси хусусияда, унинг тавсифи билан боғлиқ олиб борилган ишлар, тадқиқотлар ҳамда уларнинг муҳим натижалари қайд этилган. Ушбу фикр ва мулоҳазаларга муаллиф ўз нуқтаи назаридан муносабат билдирган ҳамда тегишли хулосаларга келган.

Калит сўзлар: ясама сўз, сўз ясалиши, лексик бирлик, сўз яшаш усуллари, аффиксация, композиция, грамматикализация, лексемализация, оператор, операнд, дериват, деривация, дериватология, аббревация, туб сўз.

Ясама сўз масаласи тилшунослик фанида бир қараганда барча жиҳатлари билан том маънода ўз тадқиқини тўла топган масалалардан бириддек тасаввурни уйғотади. Бироқ, унинг туб моҳиятига эътибор қаратилганида бунга тилшунослик фанининг ҳозирги давридаги тараққиёти билан боғлиқ ҳолда, мавжуд ёндашувни ўзгартириш лозим экани эътиборни тортиши шубҳасиз. Бундай фикр билдиришнинг ўзига хос сабаблари бор. Бизнингча, бу борада сўз ясалиши ва унинг мақсади, уни амалга оширувчи жараён, бу билан боғлиқ эҳтиёж, ясама сўз таркибий қисмлари, унинг конститутив компонентлари, сўз ясалиши билан боғлиқ стимул ва ундан кутиладиган реакция кабилар ясама сўз ва унинг деривацион жараёнини тилшунослик тадқиқотлари доирасида замонавий ёндашувлар асосида ўрганиш учун етарлича асос бўла олади. ўз ўзининг луғавий хусусияти, лексик имконияти, аташ ёки ишора қилиш хоссаси, тилдаги ва нутқдаги имкониятлари, унинг матндаги функционал қиммати, дискурсив қудрати, номинатив, предикатив, коммуникатив, когнитив, прагматик ва бошқа шу каби бир қатор жиҳатлари билан тилшуносликда соф лингвистик ёндашув асосидаги тадқиққа лойиқ объектдир. Сўз ясалишини ўрганиш ва ўргатиш жарёнида унинг тилшунослик фанидаги алоҳида соҳами ёки морфологияга тегишли масалалардан бирими, деган мулоҳаза узоқ даврлар кўпчиликини иккилантириб келган. Шу боис ҳам, мавжуд дарслик ва бошқа лингвистик манбаларда сўз ясалишини морфологиянинг ичида ўрганилган ҳолатларни

[1. -Б. 25-78.] ва бундан фарқли бўлган ҳолда сўз ясалиши масаласи алоҳида бобда ёритилганининг [11] гувоҳи бўлишимиз мумкин. Сўз ясалишининг дарслик, қўлланма ва бошқа китобларда алоҳида бўлимда берилиши кейинги йилларда кузатилмоқда.

Бу ҳақда Б.Холмухамедов фикр билдирганида У.Турсунов, Ж.Мухторов ва Ш.Раҳматуллаевларнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигининг дастлабки нашрларида сўз ясалиши “Морфология” нинг ичида берилган бўлса, китобнинг кейинги нашрида сўз ясалиши алоҳида бобда берилганини қайд этади [9. -Б. 5].

Айни тадқиқотимизда масала моҳиятига деривация қонуниятлари асосида ёндашувнинг устиворлигига асосланаётганимиз боис, шу хусусда ҳам маълумот келтирмоқчимиз.

Тармоқланиш, шаклланиш маъноларини берувчи “деривация” сўзи келиб чиқишига кўра латин тилига мансуб бўлиб (derivatio), илмий истилоҳда маълум бир birlikнинг бошқа бирор birlik асосида шаклланишини, ҳосил бўлишини, ясалишини билдиради [4. -Б.129].

Тилшуносликда деривациянинг кенг кўламли масалаларни ҳал қилишда қўл келувчи лингвистик қонуният эканини ҳисобга олганда, унинг лексик, синтактик, семантик деривация деб номланувчи турлари кенг қўлланилмоқда. Сўз ясалиши хусусида фикр билдиришга жазм этар эканмиз, сўзнинг ўта мураккаб табиатли birlik эканини ҳисобга оладиган бўлсак, мазкур масала ечимига ёндашишда деривациянинг барча турлари ва принципларига ўрни билан таянишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

References.

1. Абдурахмонов Х., Аҳмедов Қ. Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент: Ўқитувчи, 1978., 387 б. (Abdurahmonov X., Ahmedov Q. O'zbek tili va adabiyoti. –Toshkent: O'qituvchi, 1978., 387 b.)
2. Абдурахмонов Н. Қадимги туркий тил. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1989, 157 б. (Abdurahmonov N. Qadimgi turkiy til. –Toshkent: «O'qituvchi», 1989, 157 b.)
3. Курилович Е. Деривация лексическая и деривация синтаксическая// Очерки по лингвистике. –М., 1962. -с. 57-70. (Kurilovich E. Derivatsiya leksicheskaya i derivatsiya sintaksicheskaya// Ocherki po lingvistike. – М., 1962. -s. 57-70.)
4. Лингвистический энциклопедический словарь. – Москва, 1990. – С.129. (Lingvisticheskiy ensiklopedicheskiy slovar. –Moskva, 1990. – S.129.)

5. Мурзин Л.Н. Основы дерива тологии. Конспект лекции. –Пермь: Пермь ун-т., 1984., -56 с. (Murzin L.N. Osnovi derivatologii. Konspekt leksii. –Perm: Perm un-t., 1984., -56 s.)
6. Турниёзов Н. Тилшуносликка кириш. –Самарқанд, 2002. (Turniyozov N. Tilsunoslika kirish. –Samarqand, 2002.)
7. Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. “Ҳозирги ўзбек адабий тили” –Тошкент, 1992. (Tursunov U., Muxtorov A., Rahmatullaev Sh. “Hozirgi o‘zbek adabiy tili” –Toshkent, 1992.)
8. Хайруллаев Х. Тил ва нутқ бирликларининг иерархик муносабатлари. Док. дисс. автореф. Тошкент, 2018, 60 б. (Hayrullaev X. Til va nutq birliklarining iyerarxik munosabatlari. Dok. diss. avtoref. –Toshkent, 2018, 60 b.)
9. Холмухамедов Б. Ўзбек тилида лексемалашув. –Самарқанд: «Ипак йўли» нашриёти, 2021., 158 б. (Holmukhamedov B. O‘zbek tilida leksemalashuv. –Samarqand: «Ipek yo‘li» nashriyoti, 2021, 158 b.)
10. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясаиш тизими. –Тошкент, 2007. (Hojiev A. O‘zbek tili so‘z yasaliш tizimi. –Toshkent, 2007.)
11. Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980., 448 б. (Shoabdurahmonov Sh., Asqarova M., Hojiev A., Rasulov I., Doniyorov X. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. –Toshkent: O‘qituvchi, 1980., 448 b.)
12. Шодиев С.Э. Турғун сўз бирикмаларининг синтактик деривацияси. Филол.фан. фал.д. дисс. автореф. –Самарқанд, 2021, 46 бет. (Shodiev S.E. Turg‘un so‘z birikmalarining sintaktik derivatsiyasi. Filol.fan. fal.d. diss. avtoref. –Samarqand, 2021, 46 bet.)
13. Шодиев Ф. Ҳозирги ўзбек тилида бир бўғинли сўзларнинг структур-семантик талқини ва деривацион хусусиятлари. Ном.дисс. автореф. – Тошкент, 2008, 26 бет. (Shodiev F. Hozirgi o‘zbek tilida bir bo‘g‘inli so‘zlarning struktur-semantik talqini va derivatsion xususiyatlari. Nom.diss. avtoref. –Toshkent, 2008, 26 bet.)
14. Yorova Sayora Karimovna European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 4, 2020 ISSN 2056-5852 Progressive Academic Publishing, UK Page 18 www.idpublications.org communicative competence of a specialist– Assistant of the Chair Samarkand State Medical Institute
15. Karimovna , Y. S. . (2022). The linguistic environment in the field of medical communications. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(2), 143–147. Извлечено от <https://www.in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/692>
16. Aitmuratova Per Khan Genjebayevna THE ROLE OF INTERACTIVE METHODS IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES IN HIGHER EDUCATION

INSTITUTIONS2022/11/3 Журнал, Web of Scientist: International Scientific Research Journal

17. Aytmuratova Perkhan Genjebaevna, Esanova Maftuna Bakhadirovna THE IMPORTANCE OF TEACHING LATIN IN MEDICAL SCHOOLS, 2022/12/17, Thematics Journal of Education

18. Maxmudov Z. M. Lotin tili va tibbiy terminologiyani o'rganishda o'zbek tili grammatikasining o'rni //Science and Education. – 2022. – T. 3. – №. 11. – С. 756-759.

19. Mardanovich M. Z. THE PLACE OF PROBLEMATIC AND HEURISTIC METHODS IN THE PROCESS OF TEACHING LATIN AND MEDICAL TERMINOLOGY //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – T. 3. – №. 3. – С. 587-591.

20. Maxmudov Z. M., LOTIN TILI VA TIBBIYOT TERMINOLOGIYASI FANINI O'QITISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN UNUMLI FOYDALANISH ISTIQBOLLARI, Urganch davlat universiteti, "Ilm sarchashmalari", 118-120-betlar.

21. Maxmudov Z.M., Retsept yozishda duch kelinadigan ayrim muammolarning qonuniy yechimi va amalda qo'llash haqida ba'zi mulohazalar, "O'zbekistonda ilmiy-amaliy tadqiqotlar" mavzusidagi 17-son ilmiy konferensiyasi, 2020 yil iyun.

22. Sharipov , B. , Makhmudov , Z. , & Buriyev , D. . (2023). INFLUENCE OF THE LATIN LANGUAGE ON THE FORMATION OF MEDICAL TERMINOLOGY. *Theoretical Aspects in the Formation of Pedagogical Sciences*, 2(1), 16–20. извлечено от

<http://econferences.ru/index.php/tafps/article/view/3155>

23. Sharipov , B. , Makhmudov , Z. , & Buriyev , D. . (2023). FEATURES OF TEACHING LATIN TO STUDENTS MEDICAL UNIVERSITIES STUDYING IN ENGLISH. *Theoretical Aspects in the Formation of Pedagogical Sciences*, 2(1), 21–25. извлечено от

<http://www.econferences.ru/index.php/tafps/article/view/3156>